



Бекназар МАМАШИКУРОВ,
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси
стажёр-тадқиқотчиси,
Ҳадис илми мактаби ўқитувчиси*

ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИ МАНБАЛАРИДА АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ ФАТВОЛАРИНИНГ АКС ЭТИШИ

Маълумки, юртимиздан азал-азалдан кўплаб буюк алломалар етишиб чиканлар. Мана шундай машҳур алломалардан бири калом илмининг асосчиларидан бири имом Абу Мансур ал-Мотуридийдир.

Унинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Маҳмуд Абу Мансур ал-Мотуридий ас-Самарқандий бўлиб, Самарқанднинг Мотурид (баъзи манбаларда Мотурит деб келтирилади) деб аталадиган маҳалласида туғилган. Унинг туғилган йили ҳақида ҳам манбаларда жуда кам маълумотлар келтирилган бўлиб, аксар ҳолларда 870 йил (ҳижрий 256) қайд қилинган. Алломани милодий 944 (ҳижрий 333) йилда вафот этиб, Самарқанднинг машҳур Чокардиза қабристонига дафн этилгани аниқ кўрсатилган¹.

Мотуридийнинг ҳаёти ва илмий мероси ҳақидаги энг даслабки ва энг муҳим маълумотларни Абулмуъин Насафий ўзининг машҳур “Табсира тул Адилла”ни асарида ёзиб қолдирган. Ҳанафий табоқоти жанри асосидаги манбалар асосан Абулмуъин Насафий

келтирган маълумотларга таянган ва уларни такрорлаган. Қуйида уларнинг муаллифларини келтирамиз. Ал-Ҳатиб ал – Бағдодий (в. 463/1085 й.), Абу-л-Фидо Зайниддин Қосим ибн Қутлубуга (в. 879/1474 й.), Камолпошозода (в. 940/1533 й.), Абул Бақо Хусайн Кафавий (в. 1582 й.), Тошкўприюзода (в. 968/1560 й.), Ҳожи Халифа (в. 1067/1657 й.), Камолиддин ал-Баёзий (в. 1078/1687 й.), Саййид Муртазо аз-Забидий (в. 1205/1791 й.), Муҳаммад Абдулҳай ал-Лакнавий (в. 1304/1886 й.)².

Тарихчилар имом Абу Мансур Мотуридийнинг устозлари ичида қуйидаги олимларни алоҳида қайд этадилар.

1. Абу Наср Йёзий имом Абу Мансур Мотуридийнинг дастлабки устозларидан бўлган. Бу кишининг насаби ҳам ансорийларга бориб тақалади. Абу Наср Йёзий раҳматуллоҳи алайҳи Яхё ибн Қайс ибн Саъд ибн Убода Ансорий Ҳазражий розияллоҳу анхунинг авлодларидан бўлади.

¹ Убайдулла Уватов. Имом ал-Мотуридий. <https://kukaldosh.uz>

² Улрих Рудолф. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти, – Б. 115. Тошкент: 2002.

Абу Наср Иёзий катта олим ҳам эди. Тарихчиларнинг таъкидлашларича, юртда у кишига тенг келадиган олим йўқ эди. Абу Наср Иёзий турк юртларида бўлган урушлардан бирида шаҳид бўлган.

2. Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Солиҳ.

3. Муҳаммад ибн Муқотил Розий. Раъйнинг қозиси.

4. Нусайр ибн Яҳё³.

Имом Мотуридийнинг шогирдлари.

1. Абул Қосим Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Исмоил Ҳаким Самарқандий (в. 340/ 951 й.).

2. Имом Абул Ҳасан Али ибн Саъийд Растафаний (в. 350/961 й.).

3. Имом Абу Муҳаммад Абдулкарим ибн Мусо Баздавий (х. 390, м. 999 йилда вафот қилган).

4. Имом Абу Лайс Бухорий⁴.

Имом Мотуридийнинг аҳли илм ва Ислом оламидаги мартабаси

Имом Абу Мансур ал-Мотрудий аҳли сунна вал-жамоа эътиқод қиладиган икки йирик мактаб имомининг бири, Ҳанафий мазҳабидаги Мотуридия мадрасасининг имоми эди. Имом Абу Мансур Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳининг Ислом оламидаги ва аҳли илм ичидаги мартабалари жуда ҳам юқори бўлган. «Мифтоҳус-саъодати ва мисбоҳус-сиёда» китобининг муаллифи Тошқўпризода у киши ҳақида шундай дейди: «Сўнгра билки, илми каломда Аҳли сунна вал-жамоанинг раиси икки кишидир. Улардан бири ҳанафий, иккинчиси шофеъий. Ҳанафийси – Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Мотуридий имомул ҳуда»⁵. Зубайдий ўзининг «Итҳафус-содатил муттақийн» номли китобида: «Аҳли сунна вал-жамоа дейилганидан мурод ашъарийлар ва мотуридийлардир», деган.

Шу сабали ҳам мусулмонлар уламолари томонидан у зотга олий унвонлар берилган.

1. «Аламул ҳуда» – ҳидоят байроғи.

Имом Абу Мансур Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳи мусулмонларнинг ҳидоятда собитқадам бўлишларига хизмат қилиб, бу борада ҳидоят байроғини баланд кўтариш шарафига муяссар бўлганлари учун шу номни олганлар.

2. «Имомул ҳуда» – ҳидоят имоми.

Имом Абу Мансур Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳи мусулмонларнинг ҳидоят йўлини тутишларида пешво бўлганлари учун ушбу унвонга сазовор бўлганлар.

3. «Мусахҳиҳу акийдата аҳлис-сунна» – Аҳли сунна ақидасини тўғриловчи. Турли фирқа ва тоифалар ўзларининг бузғунчилик ҳаракатлари билан аҳли сунна вал-жамоа мазҳабида таҳдид солганида Имом Абу Мансур Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳ унинг ҳимоясига турганлари учун ушбу унвонга муносиб кўрилганлар.

4. «Имомул мутакаллимийн» – Мутакаллимларнинг имоми. Ўша пайтда «илми калом» номи билан танилган ақоид илмида барча уламоларга пешво бўлганлари учун имом Абу Мансур Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳини мусулмонлар уламолари шу ном билан атаган⁶.

Барча уламолар у зот ҳақида ўз фикрларни билдиришган. Биз қуйида шулардан машҳурларини келтирамиз.

Имом Кафавий раҳимаҳуллоҳ «Аъламул ахёр» китобида Имом Мотуридий ҳақида шундай ёзади: «Мотуридий раҳимаҳуллоҳ мутакаллимларнинг имоми, мусулмонларнинг ақидасини тўғриловчисидир. Аллоҳ у кишига сиротул мустақим, яъни тўғри йўлни насиб қилиш ила нусрат берди ва у киши дин нусрати йўлида юрди. Буюк китобларни тасниф этди ва ботил эътиқод соҳибларига раддия берди»⁷.

Шайх Абдуллоҳ Мустафо Мурогий раҳимаҳуллоҳ «Ал-Фатҳул мубин» асарида Имом Мотуридий ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Абу Мансур Мотуридий ҳужжат ва далили кучли, хусуматчини мот қиладиган, мусулмонлар эътиқодини ҳимоя қилиб адашган

³ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. www.Islom.uz. Улрих Рудолф. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти 121–127-б. Тошкент 2002.

⁴ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. www.Islom.uz. Улрих Рудолф. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти 127–137-б. Тошкент 2002.

⁵ Аллома Аҳмад ибн Мустафо Тошқуброзода. Мифтаҳус саодат. – Байрут: Дору кутубил илмийя, 1985. 33-б.

⁶ Убайдулла Уватов. Имом ал-Мотуридий. <https://kukaldosh.uz>. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. www.Islom.uz.

⁷ Абул Бако Ҳусайн Кафавий. Аъламул ахёр мин фуқаҳои мазҳабин Нўъмон мухтор. – Техрон: Кутубхона Мажлис шўро, 2011. 138-б.

ва мулҳидларнинг шубҳаларига раддия берган олимлардан эди»⁸.

Ибн Ҳажар Ҳайсамий раҳимахуллоҳ «Завожир ан иқтирофил кабоир» китобида Имом Мотуридий ҳақида куйидаги фикрларни билдирган:

«Аҳли сунна эътиқоди деганда, Имом Абул Ҳасан Ашъарий ва Абу Мансур Мотуридий раҳимахуллоҳларнинг эътиқодлари назарда тутилади»⁹.

Имом Кавсарий раҳимахуллоҳ Имом Мотуридий ҳақида «Муқаддиматул Кавсарий» китобида шундай деган: «Ашъарий ва Мотуридий булар ернинг машрику мағрибида аҳли сунна вал-жамоанинг икки имомидир. Улар санаб саноғига етиб бўлмайдиган даражада кўп китоб таълиф қилишган. Бу икки имом ўртасидаги хилофларнинг аксари лафзийдир. Бу борада кўплаб китоблар ёзилди. Байзовийнинг «Ишаротул маром фи иборотил имом» китоби бу борадаги энг яхши китобдир. Зубайдий «Ихё»нинг шарҳида Байзовийнинг ўша китобидан нақл қилган»¹⁰.

Абул Ҳасан Надавий раҳимахуллоҳ ўзининг «Рижалул фикр вад даъва» китобида бу зот ҳақида шундай деган: «Имом Мотуридий кенг фикрли, заковат ва фаҳм эгаси, турли фанларни ўзлаштирган буюк олим бўлган»¹¹.

Имом Мотуридий Самарқандда 333 ҳ./944 – 945 йил вафот этган ва шаҳар чеккасидаги Чокардиза қабрстонида дафн этилган¹².

Малумки, Имом Мотуридий нафақат илми калом, ақида бобида имом эдилар, балки, фикҳий масалалар, фуруот бобида ҳам имом эдилар. Қуръони карим тафсирида ҳам моҳир муфассир эдилар.

Имом Мотуридийнинг барча асарлари бизгача етиб келмаган. Бизгача етиб келган

асарлари “Китобу-т-тавҳид” калом ва ақида борасида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, асарда алломанинг ақидавий қарашлари батафсил баён этилган. Асар мотуридий уламолари наздида ғоятда мўътабардир. У кишидан кейин ўтган таниқли калом олимлари Абулмуъин Насафий, Абулйуср Паздавий ва бошқалар у зотнинг таълимотини ва қарашларини кенг ёйдилар.

Имонинг тафсирига оид “Таъвилот аҳлас-сунна” номли асари ҳам бордир. Мотуридийнинг мазкур тафсирида ақидага оид оятларни шарҳлашга кенг ўрин берилган. Муаллиф тафсирда ўз замонасидаги мўътазила, хавориж, карромия, жабария каби оқимларни зикр этиб, уларнинг Қуръон оятларига берган талкинларини, шунингдек, мушаббиха, мунажжима, фолбин ва бошқалар фикрини муноқаша қилган ва уларга раддиялар берган. Демак, ўзининг кенг илмий дунёқараши билан турли фирқаларга нисбатан илмий кураш олиб бориб, соф исломий ақидани сақлаб қолишга беқиёс ҳисса қўшган.

Аммо имомнинг фуруотга оид фикҳий асарлари сақланиб қолмаган. Лекин, Имомнинг фикҳий масаларда берган фатволари, илмий қарашлари юртимиздан чиқан фақиҳларнинг “Фатово” асарлари, козиҳона фатволари, Усул ул-фикҳга оид асарлар, аҳком ул Қуръонга оид тафсир китоблари ва бошқа кўплаб фикҳга оид манбаларда сақланиб қолган. Агар Имом Мотуридийнинг фикҳ борасида айтган сўзлари ва фатволари тадқиқотчилар томонидан тўпланиб нашр қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фикҳга оид манбаларда келган Имом Мотуридийнинг фуруот фикҳий илмий фикрларини иккига қисмга бўлишимиз мумкин: биринчи қисмда тўғридан тўғри Имом Мотуридийнинг исми келтирилиб, у зотнинг “фатволари” айtilган.

Иккинчи қисмда, у зотнинг ақидавий масалардаги фатволари, калом ва ақидага оид асарларидаги у зотнинг қарашлари ва ҳукмларидан бел восита ҳулоса қилиб олинган фатволарни киритиш мумкин.

Имом Абу Мансур Мотуридийнинг фикҳий меросини бизга етказган иккинчи қисмга олимнинг яшаган даврдан бошлаб,

⁸ Абдуллоҳ Мустафо Муроғий. Ал-фатҳул мубийн фи табакатил усулийин. – Байрут: Дорул ирфон, 1986. – Б. 241

⁹ Ибн Ҳажар Ҳайсамий. Завожир ан иқтирофил кабаир. – Қоҳира: Дору дарбул ислам, 1987. – Б. 80

¹⁰ Муҳаммад Зоҳид Кавсарий. Муқаддимот Кавсарий. – Байрут: Дорус салом, 1425. – Б. 51

¹¹ Абул Ҳасан Надавий. Рижалул фикри вад даъвати. – Байрут: Дору муассасатир рисала, 2003. – Б. 432

¹² Абул Бако Ҳусайн Кафавий. Аъламул ахёр мин фуқаҳои мазҳабин Нўъмон мухтор. – Техрон: Кутубхона Мажлис шўро, 2011. – Б. 138

то муғиллар босқинига қадар оралиғда диёримизда тасниф қилинган барча фатво ва фикҳий асарларни киритишимиз мумкин. Бундай дейишимизга асос, Фатовои Зоҳирӣя, Тухфатул фуқаҳо, Фатовои Хония, Фатовои Сирожийя, Хулосатул Фатова ва бошқа кўплаб фикҳи асарларининг варақлаганимизда барчасида, “Китаб ул-макруҳот”, ёки “Китаб карохиййат”, ёки бўлмаса “Китаб ал-ҳазар вал ибаҳа” бўлимларини топамиз. Бу бобларда макруҳ ва мубоҳ амаллар билан бирга ақидавий масалаларга ҳам тўхталган.

Биз куйида фикҳга оид манбалардан Имом Мотурийдининг фикҳ борасида айтган биринчи турга тегишли баъзи бир фатволарини мисол тариқасида келтириб ўтамиз.

Шамсиддин Ас-Сарахсий “Ал-Мабсут” китобининг, “Қиблани чамалаш” китобида¹³ кўйдаги малумотларни беради.

“Имом Абу Мансур Мотуридий айтиди: Қиблани билишнинг йўли. Ёз фаслида энг узун кечаси қўёш ботиш томонга қарайди. Кишда эса кечанинг энг қисқасида кун ботар томонга қарайди. Ва белгилб олади. Шундан сўнг, ўнг томонга учдан икки қисмини, чап томонга учдан бир қисмини ташлаб, ўртасини олади, деди.”

Айнан шу мазмундаги Имом Мотуридийнинг фатвосини “Муҳит ул- Бурхоний фи фикҳин Нуъмоний”¹⁴ асарида ҳам учратамиз.

Ҳинд уламолари томонидан Бобурийлар ҳукмдори Аврангзиб амри билан таълиф қилинган “Фатовои Ҳиндия” (Куфрни вожиб қиладиган нарсалар бўлими)¹⁵ да келтирилади: “Имом Абу Мансур раҳимахуллоҳ: Бир киши бирорта кишининг олдда ерни ўпса, ёки, унга таъзим қилса, ёки унга бошини эгса кофир бўлмайди. Чунки у унга ибодат қилишнимас, балки уни улуғлашни ирода қилганди, – деди. Ундан бошқа машоихларимиз: Агар бирорта анаву жаббор золимларга сажда қилса, бу кабира гуноҳлар бир кабирадир. У киши кофир бўладими?, дейилганда. Баъзилар: Мутлак

кофир бўлади, дедилар. Аксар уламолар: Бунинг бир қанча важҳлари бор. Агар бу билан унга ибодат қилишни ирода қилган бўлса, кофир бўлади. Агар бу билан унга салом беришни ирода қилган бўлса, кофир бўлмайди, лекин, бу билан кофир бўлишни хоҳламаган бўлса-да, бу ҳаромдир. Ерни ўпиш эса саждага яқиндир. Лекин, пешонаси ва юзини ерга қўйишдан енгилроқдир, дедилар. Зоҳирия китобида ҳам шундай дейилган.

Алоуддин Самарқандий “Тухфатул фуқаҳо” асарида¹⁶ закот Қуръон ва суннат орқали фарзлиги собит бўлганлигини айтиб туриб, унинг кайфияти ҳақида уламолар ихтило қилдилар. Муҳаммад ибн Шужаъ ва Жассослар закот нисобга етгач зудлик билан фарз бўлмайди, балки закотни вақтига қараб адо қилса ҳам бўлади, дедилар. Ва ўз сўзларига далилар келтиришади. Сўнгра, Абу Мансур Мотуридий: Бу усул фикҳнинг масаласи ўз ўрнида билинади, дедилар, деб келтиради.

“Муҳит ул- Бурхоний фи фикҳин Нуъмоний” (саждаи саҳв боби)да¹⁷ тўрт ракатлик намозда икки ракатдан сўнг қаъдада ташаҳхуддан сўнг, эсдан чиқариб, саловот ўқиган кишига саждаи саҳв вожибми вожиб эмасми, масаласини келтириб: Абу Шужаъ: Агар аллоҳумма солли ала Муҳаммад, деган бўлса саждаи саҳв вожиб, деди. Қози имом Мотуридий эса: Мадомики, Оли Муҳаммад демаган бўлса, вожиб эмас. Биринчи қаъдада ташаҳхудга зиёда қилмайди ва саловат айтмайди, деди, деб келтиради.

Ва яна ўша асардан бошқа ўринда (Куфрни вожиб қиладиган нарсалар бўлими 2ж. 281-б.)¹⁸: “Ким султонга қараб замонамизнинг одили, деса кофир бўлади. Имомул худо Абу Мансур Мотуридий раҳимахуллоҳ ҳам шундай деганлар. Баъзи уламолар наздида кофир бўлмайди. Бу “Хулоса” китобида мухтор қовилдир”, дейилади.

“Фатовои Ҳиндия” асарида тилга олинган “Хулоса” асари Ифтихоридин Тоҳир ибн Аҳмад

¹³ Шамсиддин Ас-Сарахсий. Ал-Мабсут. Қиблани чамалаш китоби. 5-ж. 150-б. Дорул фикр. Лубнан, 2010.

¹⁴ Бурхон ад-дин Маҳмуд Моза ал-Бухорий. “Муҳит ул- Бурхоний фи фикҳин Нуъмоний” (5 ж. 413б.). идарат ал-Қуръон. Пакистон. 2005.

¹⁵ Фатови ҳиндия. Дорул фикр. Лубнан, 2010. (Куфрни вожиб қиладиган нарсалар бўлими 2ж. 281-б.).

¹⁶ Алоуддин Самарқандий “Тухфатул фуқаҳо”. (263-б.). Дар ал-фикр. Берут.

¹⁷ Бурхон ад-дин Маҳмуд Моза ал-Бухорий. “Муҳит ул- Бурхоний фи фикҳин Нуъмоний” ((саждаи саҳв боби 1ж. 505-б.) 5 ж. 413-б.). Идарат ал-Қуръон. Пакистон. 2005.

¹⁸ Уша асар. (Куфрни вожиб қиладиган нарсалар бўлими 2ж. 281-б.):

ибн Абдур Рашид ал-Бухорий (ваф. 542/1148) га мансубдир.

Биз бу асарни Имом Абу Мансур ал-Мотуридий раҳимаҳуллоҳи алаҳдан нақл қилинган фатволарни ўзига жамлаган иккала турдаги фатво китоблар қаторига қўшишимиз мумкин. Яъни, аллома бу асарида кўпгина ўринларда Имом Абу Мансур ал-Мотуридий айтдилар, деб айнан исмини зикр қилса, аксар ўринларда эса имом Мотуридийнинг сўзларидан истинбот қилиб олган фатволарининг хулосаси билан чекланган.

Ифтихоридин Тохир ибн Аҳмад ибн Абдур Рашид Бухорий 482 ҳ./1089 йили Бухора шаҳрида фақиҳлар оиласида таваллуд топган. Даслабки таълимни отаси Аҳмад ибн Абдур Рашиддан олган. Ундан ташқари, замонасининг етук ва машҳур уламолари Сирожиддин Ўший ва Фаҳриддин Қозихонлардан ҳам таълим олади. Отаси Қавомуддин Аҳмад ибн Абдур Рашиддан (ваф. 500 ҳ./1107) ҳам замонасининг фақиҳ уломаларидан бўлган. Имом Абу Ҳанифанинг шогирти Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбонийнинг “Жамиъ ас-сағирига” шарҳ ёзган¹⁹. “Ҳидоя” китобининг муаллифи Бурҳониддин ал-Марғиноний ҳам у зотда фикҳни ўрганганлар²⁰.

Боболари Абдур Рашид ибн Ҳусаин ал-Бухорий ҳам замонасининг етук фақиҳларидан бўлган. Сулаймон ал-Кафавий Катаиб ал-аҳёр китобида у ҳақда шундай зикр қилади: Имом, катта фозил шайх, сиқа, ҳофиз мутқин эди. Ўз замонасида мазҳибнинг раислиги унда тўхтаган эди. Усул ва фуруъ илимларида денгиз эди. Инсонлар турли шаҳарлардан унинг қўлида фақиҳ бўлиш учун унга рихлат қилар эдилар. Унинг қўлида ўғли шайх имом Қавомиддин Аҳмад ибн Абдур Рашид фақиҳ бўлди. Невараси Тохир ибн Аҳмад ҳам “Хулосат ал-фатово”сида бир қанча ўринларда: “Бобом шайх ал-Ислом Абдур Рашид ибн Ҳусаин шундай дедилар”,

ёки, “Бобом шайх ал-Ислом Абдур Рашид ибн Ҳусаин бунга мувофиқ бўлдилар”, деб келтиради²¹. “Фатовои Зоҳирийа” муаллифи Заҳир ад-дин Али ибн Абдул Азиз ибн Абдур Разоқ ал-Марғиноний ҳам Ифтихор ад-диннинг она томонидан бобоси бўлган. Бобоси Али ибн Абдул Азиздан ҳам “Хулоса”да ривоятлар келтиради²². Али ибн Абдул Азиз (506 ҳ.) йили сешанба куни тўққизинчи ражаб ойида заволдан олдин вафот этган.

Ифтихоридин Тохир ибн Аҳмад ибн Абдур Рашид ал-Бухорий 542 ҳ./1148) йили Жимадул ула оида Сарахсда вафот этган. Ўша ерда унга таъзия қилинганидан сўнг, жанозаси Бухорага олиб келинган²³.

Ифтихор ад-дин Тохир ибн Аҳмад ибн Абдур Рашид Бухорийнинг “Хулоса” асари бу турдаги китоблар ичида энг қимматли ва аҳамиятлиларидан саналади. Чунки, бу асарнинг ўзига хос хусусияти ва бошқа фатволардан фарқи, мусанниф бу китобда “кароҳият” китобидан сўнг, “китаб Алфоз ал-куфр”га ҳам алоҳида тўхталган, унга катта аҳамият берган. Бу асарнинг аҳамияти шундаги мусанниф ўзигача битилган фатво китоблар ва фикҳий асарлардаги баҳс ва ихтилофларга кўп тўхталмайди. Баъзиларини зикр қилиб, у сўзнинг эгасига ишора қилади. Мусанниф бу асарида ўзигача таълиф қилинган “фатволар”нинг охириги хулосаларини тўплаган. Хусусан, бу асаридан олдин ўзи тасниф қилган “Хизанатул вақиёт” ва “Нисаб ул-фақиҳ”²⁴ асарларининг қаймоғи-хулосасини келтирган. Аллома “Хулосат ул-фатово” асарининг муқаддимасида шундай келтиради: “Баъзи биродарларим уни ёдлаш ва эсда сақлаш осон бўлган асар ёзишимни сўрадилар. Мен уларнинг сўровига жавобан, “Хизанатул вақиёт” ва “Нисаб ул-фақиҳ” асарларимдан фатволарни мухтасар

¹⁹ Исмаил Баша ал-Бағдодий. Ҳадийят ул-Арифин. Истанбул 1955. 1 ж. 81-б. Абдул Ҳай ал-Лакнавий Фаваид ал-баҳиййа. Миср 1903. 25-б. Сулаймон ал-Кафавий. Катаиб ал-аҳёр. Қўлёзма, 192-б. Ҳажӣ Халифа “Кашф аз-зунун”. Дар ихёи турос ал-арабий. 1 ж. 563-б.

²⁰ Тақийиддин ат-Тамимий ал-Ҳанафий. Табақот ас-санниййа фи тарожим ал-ҳанафиййа. Дар ар-Рифаъий. 1 ж. 379, 380.

²¹ Ифтихор ад-дин ал-Бухорий. Хулосат ул-фатово. Китаб ул-кароҳиёт. Қўлёзма, Сулаймон ал-Кафавий. Катаиб ал-аҳёр. Қўлёзма. 180-б.

²² Ифтихор ад-дин ал-Бухорий. Хулосат ул-фатово. Китаб ул-кароҳиёт. Қўлёзма. Сулаймон ал-Кафавий. Катаиб ал-аҳёр. Қўлёзма. 178-б.

²³ Абул фаво ал-Кураший ал-Ҳанафий. Жавоҳир ал-Музиййа фи табақот ал-ҳанафиййа. 2 ж. 276-б.

²⁴ Ибни Қутлу Бую. Таж ат-Тарожим. Дар ал-қалам, 1992. 172-б. Ҳажӣ Халифа “Кашф аз-зунун”. Дар ихёи турос ал-арабий. 2 ж. 195-б.

килиб олдим ва уни “Хулосат ул-фатово” деб номладим, – деб келтиради. Асарнинг ҳар бир китоби аввалида шу китобдаги фасллар ва жинсдошларини баён қилиб чиққан. Мазкур фатво тўплами 4 жилд (жуз)дан иборат бўлиб, биринчи жилдда 6 та, иккинчи ва учинчи жилдда 3 тадан, тўртинчи жилдда эса 35 китоб мавжуд.

Бу асарни турли замон ва маконларда уламолар эътироф этганлар. Жумладан, Ҳожи Халифа “кашфуз зунун” китобида: “Машҳур ва муътамад унга суяниладиган, ишончли китоб” деб васф қилган. Имом Абдул Ҳай ал-Лакнавий “Фавоид ал-баҳиййа” китобида: “Уламолар наздида эътироф этилган ва фуқаҳолар наздида унга суяниладиган китоб”, деб таъриф беради. “Хулосат ул-фатово” асари ҳанафий мазҳабида тутган ўрни ва аҳамиятини яна шундан билиш мумкинки, бу асарнинг нусхалари турли замонларда кўчирилган бўлиб, дунёнинг турли бурчакларида кутубхоналарда унинг ўнлаб қўлёзма нусхалари сақланмоқда. Бу ҳамма замонларда ҳам унга эҳтиёж катта бўлганлигини кўрсатади. “Хулосат ал-фатово”нинг тошбосма нашри Ҳиндистонда чоп этилган.

“Хулосат ал-фатово”нинг қўлёзма нусхалари ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшуносли институти қўлёзмалар фондида ўндан ортиқ нусхалари сақланади.

Саудия мамлакатининг турли кутубхоналарида ҳам ўнлаб нусхалари сақланади, мисол учун Риёз шаҳрида жойлашган Малик Файсал кутубхонасида ўн учта нусхаси сақланади.

Саудия мамлакати “Жамиаътул-исламия” университетида ҳам ўн етти нусхаси сақланади.

Туркиянинг “Нур ал-исламия” кутубхонасида ҳам саккизта нусхаси мавжуд. Яна “Файзуллоҳ Афанди” кутубхонасида учта нусхаси мавжуд.

Булардан ташқари, Саудиянинг турла кутубхоналари, Фаластин, Сурия, Ироқ, Америка ва бошқа кўплаб жаҳоннинг машҳур кутубхоналарида юзлаб нусхалари мавжуддир.

Ифтихориддин Тоҳир ибн Аҳмад ибн Абдурашид ал-Бухорийнинг “Хизонат ал-Воқеот”²⁵ асари ҳам “Хизонат ал-фатово” номи

билан 4 жилд қилиб Деҳли ва Қоҳирада нашр этилган. Ҳожи Халифа Кашф уз-зунун китобида бу асар ҳақида “Камдан кам учрайдиган муътабар китоб”, деб таъриф беради²⁶.

“Хизонат ал-фатово”нинг қўлёзма нусхалари Саудия мамлакатининг Риёз шаҳридаги Малик Файсал кутубхонасида битта насхаси 02317 рақам ости сақланади²⁷.

Яна бир нусхаси Макка ҳарами мактабасида 2747 рақам остида сақланади.

Ифтихориддин ал-Бухорийга нисбат бериладиган китоблардан бири қироат фанига таълуқли “Зиллат ул-қорий” асари. Бу асар маъҳад ад-дирасот аш-шарқиййа институтида 5421 рақамда сақланади. Ҳажми ўн варақдан иборат²⁸.

Яна Ифтихориддин ал-Бухорийга нисбат берилган асарлардан бири балоғат фанига оид “Фароид ас-султония фи қавоид ал-баъниййа” асари. Бу асар Миср араб республикаси “дар кутуб мисрия” фондида 267 рақм билан сақланади. Ҳажми 25 варақдан иборат²⁹.

Имом Абу Мансур Мотуридий ўз даврининг исломий илмлари соҳасида энг етук билим соҳиби ҳисобланиб, мусулмон дунёси олимлари томонидан тан олинган ва ҳозирда ҳам турли диний муассаларда асарлари зўр эҳтиром билан ўқитилмоқда.

Имом Абу Мансур Мотуридий умри давомида фақиҳлар, муҳаддислар билан мулоқотда бўлган ва мунозаралар олиб борган. У ислом дини Ҳанафий мазҳабини Мовароуннаҳрда тарқатиш ва ўзидан кейинги авлодларга қусурсиз етказиш ишига муҳим ҳисса қўшди. Денгиз ғоввослари денгиз тубида сочилган дуру-гавҳарларни доналаб йиққанлари каби, Имом Абу Мансур Мотуридийнинг фикҳий бой меросини ҳам ҳанафий мазҳабида оид китобларда сочилиб кетган фатволари тўпланса, бобомизнинг йўқолган мероси тикланган бўлар эди.

²⁶ Ҳажми Халифа “Кашф аз-зунун”. Дар ихёи турос ал-арабий. 1 ж. 703-б.

²⁷ Интернет сайтидан олинган малумот. Хизонат турос фикҳисти махтутот. 3760 рақамда.

²⁸ Интернет сайтидан олинган малумот.

²⁹ Интернет сайтидан олинган малумот.

²⁵ Умар Ризо қаҳҳала. Муъжам ал-муаллифин. Муассат ул-рисала. 2 ж. 9-б. Ҳажми Халифа “Кашф аз-зунун”. Дар ихёи турос ал-арабий. 1 ж. 703-б.